Ушбу сонда:
2 ЗАРАФШОН КЎРКИ
3 ДАВР ИМИЛЛАШНИ КЕЧИРМАЙДИ
4 «Аср кишиси» танловига БОШ МУРАББИЙ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 22 июн, жума №95 (1109)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

21 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Полша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Зенон Кухчак Ишонч Ёрлиғи топширди.

Давлатимиз раҳбари элчини янги шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланиши билан қутлар экан, унинг мамлакатимизда бошлаётган фаолиятига муваффақият тилади.

Ўзбекистон билан Полша ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб келаётир. Бу, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада яққол кўзга ташланади.

Янги элчи самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этар экан, мамлакатларимиз ўртасида дўстона ва тенг манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Президенти Жазоир Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ласкри Ҳасаннинг Ишонч Ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон ва Жазоир ўртасида дипломатик алоқалар 1994 йилда ўрнатилган. Ўтган вақт мобайнида икки мамлакатнинг алоқалари ривож топиб борди. Элчи келгусида ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очиш, хусусан, иқтисодиётдан ташқари, маданият соҳасида ҳам алоқаларни ривожлантиришга интилишини айтди.

Президент элчини янги лавозим билан табриклаб, унинг Ўзбекистон-Жазоир муносабатларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

* * *

Шунингдек, Литва Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Халина Кобецкайте ҳам Ўзбекистон Президентига Ишонч Ёрлиғи топширди.

Литва Ўзбекистоннинг Болтиқбуйи минтақасидаги яқин ҳамкори ҳисобланади. Икки мамлакатнинг дўстона муносабатлари, савдо-иқтисодий алоқалари йил сайин ривожланиб бормоқда. Янги элчи бу алоқалар, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонч билдирар экан, бунга ўзининг шахсий ҳиссасини қўшиш имконияти пайдо бўлганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзаро мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Президенти Шри-Ланканинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нагурпитчай Искандарнинг ҳам Ишонч Ёрлиғини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари янги элчини ушбу лавозимга тайинлангани билан табриклади ва келгусидаги фаолиятида муваффақият тилади.

Н.Искандар Ўзбекистон Президенти билдирган ишонч учун мамнуният изҳор этиб, икки мамлакат ўртасида кенг ҳамкорликни йўлга қўйишда ўз куч-ғайратини аямаслигини билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Шри-Ланка ўртасида ҳамкорликни мустаҳамлаш хусусида фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Республика қоғоз саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика иқтисодиёти ва аҳолисининг целлюлоза-қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, қоғоз саноати корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши иқтисодий самарадорлигини ошириш, қоғоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг, целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари, ўраш-жойлаш материаллари ишлаб чиқарувчи ҳамда макулатура тайёрловчи корхоналар ва ташкилотларнинг «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда целлюлоза-қоғоз маҳсулотларига бўлган талабнинг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шу асосда тайёр оқ қоғоз ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларни экспорт қилишни кўпайтиришни таъминлаш;

республиканинг қоғозга ҳамда целлюлоза-қоғоз ва ўраш-жойлаш маҳсулотларининг бошқа турларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган қоғоз саноатини ривожлантиришнинг ўртача муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош целлюлоза-қоғоз буюмлари ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишда республика қоғоз саноати корхоналари ва ташкилотларига кўмаклашиш;

тармоқнинг янги корхоналарини қуришга, ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш ва кенгайтиришга қаратилган ягона илмий-техника сиёсатини олиб бориш;

макулатура ва картон тайёрлаш ва уларни қайта ишлаш бўйича шохобчаларни кенгайтириш, ўраш-жойлаш материаллари ва картон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасининг ташкилий тузилмаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар рўйхати;

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси бошқаруви ижро этувчи аппаратининг ходимларнинг чекланган сони 23 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси маъқуллансин.

Белгиланснки, «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси бошқаруви беш кишидан, шу жумладан раис ва унинг икки нафар ўринбосаридан иборат бўлади, улардан бири биринчи ўринбосар ҳисобланади. Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари белгиланган тартибда уюшма бошқарувининг юқори органлари томонидан сайланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси бошқаруви раисига зарурат бўлганда уюшманинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг штатда белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси бошқарувининг ижро этувчи аппаратига сарфланадиган харажатлар унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ажратмалари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг акциялари давлат пакетларини белгиланган тартибда уюшмага ишончли бошқарувга берсин.

6. «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ишларни мувофиқлаштириш учун ишчи комиссия тузилсин.

Ишчи комиссия икки ой муддатда «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин, унинг устав фонди миқдорини белгиласин, таъсис йиғилиши ўтказилишини, белгиланган тартибда уюшма устави ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

7. «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

аҳолидан, республика корхоналари ва ташкилотларидан макулатура тайёрлаш ишлари пухта ташкил этилишини таъминласин, бунинг учун шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли пунктларида тайёрлов пунктларининг зарур шохобчаларини барпо этсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги иштирокида бир ой муддатда қоғоз макулатураси топширувчиларни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ишчи комиссия (М.Усмонов) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 18в-уйда жойлашган бинони тасарруф этиш ҳуқуқисиз «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик бирлашмаси балансидан «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси балансига берсин.

9. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини телефон алоқасининг зарур тизими билан таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси корхоналарида қоғоз, картон, ўраш-жойлаш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида» 1995 йил 20 январдаги 13-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 20 июн

ТОҒЛАР БАҒРИ ШОДЛИККА ТЎЛДИ

Республикамиз оромгоҳларида бу йил ёз мавсумида 290 минг нафардан ортиқ болажонлар дам олишади. Уларнинг 20 минг нафари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги сув тақчиллигидан зарар кўрган ҳудудлардан келишади. Шу минтақада истиқомат қилувчи 5000 нафар аёл ҳам республикамизнинг турли бурчакларидаги санаторий-профилакторийларда дам олиб, даволаниб қайтадилар.

— Ўқувчиларнинг ёзги таътилларини сермазмун ва серфайз ўтказиш ҳамиша ҳукуматимиз эътиборида бўлган, - дейди Республика доимий соғломлаштириш комиссияси раиси муовини Озода Муҳиддинова «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Бу масала ҳар йили мавсум олдидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ташкилот ва муассасалар иштирокидаги йиғилишида кўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланади. Оромгоҳлар шу асосида таъмирланиб, мавсумга шайланғач, комиссия кўригидан ўтказилади. Талабга жавоб беради, деб топилгачгина болаларни қабул қилиб олади.

Озода Муҳиддинованинг таъкидлашича, бу йил болаларнинг оромгоҳларда дам олиши ўн икки кундан, тўрт сменада ташкил этилиятпи. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг дам олишларига сарфланадиган сарф-харажатларнинг фақат 5-10 фоизинигина ота-оналар тўлашади. Асосий маблағлар корхона, ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшмалари ҳисобидан қопланади. Оролбўйи болалари эса оромгоҳларда мутлақо текин дам оладилар. Улар оромгоҳларга келиб тушишлари билан тиббий кўрикдан ўтказилади. Даволанишга эҳтиёжманд болалар аниқланган тақдирда уларга бепул тиббиёт хизмати кўрсатилади.

Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаймиз. Бундай катта байрам арафасида оромгоҳларда дам олиш насиб этган болалар хотирасида ёзги таътиллари ёрқин из қолдиришини истаймиз. Ҳар бир оромгоҳда мунтазам концерт дастурлари, спектакллар намойиш этилаётир. Бундан ташқари, турли спорт мусобақалари ва бошқа қизиқарли ўйинлар ташкил қилинмоқда. Китоб мутолаа қилишни истовчи болалар учун маънавият-маърифат хоналари эшиги ҳамиша очиқ. Буларнинг бари ёш авлод онгида Мустақиллик ҳақида тушунча уйғотиш, уларни миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялашга қаратилгандир, - деди О.Муҳиддинова.

Мавсумдаги биринчи сменага республикамизнинг турли бурчакларидаги оромгоҳларга етти мингдан ортиқ болалар келишди. Сув танқислигидан зарар кўрган ҳудудлардан келган болалар Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланганидек, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсидаги соғломлаштириш оромгоҳларига жойлаштириляпти. Оромгоҳлар жойлашган тоғлар бағри болалар шодлигига тўлди. Шунингдек, мазкур минтақадан келадиган беш минг нафар аёлларимиз эса йилнинг октябр ойигача Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсидаги санаторийларда бепул дам олиб, даволанадилар.

Айни кунларда Улуғнор тумани далаларида ғалла ўрим-йиғими ҳал қилувчи паллага кирди. Бу йил туманда ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Ҳозир туман далаларида ўрим механизмлари унум билан ишлатилаётир. Бу борада тумандаги «Оқолтин», Мирзажон Иминов номидаги ширкат хўжаликлари ғаллакорлари яхши натижага эришмоқдалар.

Суратларда: «Оқолтин» ширкат хўжалигининг оилавий пудратчиси Расулжон Эргашев; туман машина трактор парки комбайнчиси Иномжон Сарибоев.

Шуҳрат ОЛИМОВ
(ЎзА) олган суратлар.

МАҲСУЛОТ ТАШҚИ БОЗОРДА ХАРИДОРИНИ ТОПДИ

Андижон вилояти Корасув шаҳридаги Корасув саноат комбинатида ногазлама мато ишлаб чиқарувчи янги цех ишга тушди. Янги цех йилига пахта тозалаш заводлари ва енгил саноатнинг бошқа соҳаларига зарур бўладиган 800 минг погон метр мато ишлаб чиқаради.

— Айни пайтда янги ишлаб чиқариш майдонлари қурилишини якунлаяпмиз, — деди корхона раҳбари Фозилжон Ўринбоев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу ерга ногазлама материаллар тайёрловчи иккинчи технологик линия жойлашади. Янги бинолар қурилиш учун корхонада қурилиш бригадаси ташкил этилди, унда 20 нафардан ортиқ мутахассислар меҳнат қилишаётир. Цехнинг иккинчи навбати ишга туширилиши билан 20 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланади.

Қорасув саноат комбинати раҳбарининг сўзига кўра, корхона асосан момиқни титиш билан шуғулланади. Маҳсулот ўзининг юксак сифати билан истеъмолчиларни, жумладан ташқи бозорда ҳам талабгорларни топмоқда. Ўтган йили товар хомашё биржаси орқали корхонанинг 400 минг доллар миқдоридаги маҳсулоти хорижга сотилди.

«ШОЛИКОР»ЛИК ҲОТАМТОЙ ФЕРМЕР

«Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас»

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунидан.

Абдураҳмон Негматов 40 ёшга кирганида бирдан кўнглига ер ишқи тушиб қолди. «Фермер бўламан» қатъий ваъда қилди у дўстларига, - кўплаб шоли етиштираман.

— Ахир умрингда бирон кун деҳқончилик қилмаган бўлсанг, сенга ким ер берадию, ким фермерликка қабул қилади?

— Ер ҳам беришади, тадбиркорликка ҳам йўл очишади, - таъкидлади қатъий оҳангда Абдураҳмон.

1999 йил баҳорида бир ой ўтиб-ўтмай у ниятига етди. «Шоликор» ширкат уюшмасидан 80 гектар ер олди. Азиз газетхон, «Ахир умрида деҳқончилик билан шуғулланмаган одам бирданига шунча ерни қандай оппа-осон қўлга киритаолди?» деб савол беришингиз табиий. Масалага ойдинлик киритиш учун Сирдарё туманидаги «Шоликор» ширкатлар уюшмасининг раҳбари Аширкан Боймешов ҳузурида бўлдик.

— Ўшанда мен уюшмада бош иқтисодчи бўлиб ишлардим, — изоҳ беради у. — Ўша, тўқсон тўққизинчи йилнинг баҳорида бизга туман ҳокими С.Усмонов қўнғироқ қилиб қолди. Гап орасида Сирдарё шаҳрида яшайдиган, бизнинг хўжалигимизга умуман даҳли бўлмаган Абдураҳмон Негматов деган одамга шоли экиш учун сувли ердан 80 гектар ажратиб беришимиз керак-лигини уқтирди. Табиийки, хўжалик раҳбарининг боши қотди. Бундай масалани аввало якка ўзи ҳал қилолмасди. Қолаверса, бизнинг ўзимизда фермер бўлиш орзусида юрган ўнлаб ижарачилар навбат кутиб туришганди-да...

Аширкан Боймешовнинг айтишига қараганда, хўжалик раҳбари ўша куниёқ пайчиларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақирган. Йиғилиш аҳли хўжалик аъзоси ва пайчи бўлмаган шахсга бирор гектар ер бермаслик ҳақида қарор чиқарган. Лекин туман ҳокимининг иккинчи бор «қаттиқроқ» қўнғироғидан кейин хўжалик раҳбари ўз виждонига, пайчиларнинг майлига қарши бориб, ҳалиги ерни беришга мажбур бўлган.

Абдураҳмон фермер биринчи йил яхши ҳосил олди. 2000 йилга келиб мўлжални яна катта қилиб юборди. У кимларнидир пеш қилиб, ихтиёридаги ернинг ёнгинасидан яна 79 гектар қўшиб берилишини

Қонун барча учун баробар

талаб қилди. Бу пайтга келиб ширкат уюшмасига Боймешов бошчилик қилаётган эди.

— Қонун барча учун баробар. Қолаверса одам дегани инсофли бўлиши керак. Мен фермер талаб қилган 79 гектарни бермаслик учун қўлимдан келганича ҳаракат қилдим, - тушунтиради ҳамсуҳбатимиз куйиб-пишиб, - афсуски, қайсидир ўринларда ёлғизланиб қолдим. Гап шундаки, туман ҳокимидан ташқари бошқа кишилар ҳам хотамтой фермерни зўр бериб қўллаб-қувватлашарди. Иш шунгача бориб етдики, тадбиркорнинг «қонуний талаблари»га монелик қилганим учун туман суди мени ноқонуний равишда 12,5 минг сўм жаримага тортди.

Шундай қилиб, қарийб 160 гектар ерга эга бўлиб олган собиқ бозорқўм ўз фаолиятини гуркиратиб юборди. Биламизки, Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида баён этилганидек, фермер ўз ихтиёридаги ерни бошқа бировга ижарага бериши қатъиян ман қилинади. Буни билатуриб Негматов ўзини билмаганга олди. Хўжалик раҳбарлари, тажрибали деҳқонлар панд-насиҳатига қулоқ солмади.

(Давоми 3-бетда).

ЗАРАФШОН КЎРКИ

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Шаҳарлар мисоли одамларга ўхшайди. Шундайлари борки, уларнинг мавжудлигини кўплар билмайди. Бошқаси эса, барпо этилган кунидан ўзининг ёрқин истиқболидан белги беради. Зарафшон геологлар, қурувчилар, тоғ кончилари ва металлургла шаҳри сифатида дунёга келди. Айниқса мустақиллик йилларида асл фидойилар шаҳри таниб бўлмас даражада ривожланди. Ажойиб корхоналар, замонавий турар-жой бинолари, ҳиёбонлар барпо этилди.

АСЛ ФИДОЙИЛАР ШАҲРИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАКИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА



Зарафшоннинг чирой очиб иқтисодий ривожланиши комбинат фаолияти билан чамбарчас боғланган. Корхона ёрдами билан шаҳарда энг қулай яшаш шароити яратилди. Уйлар, корхона ва ташкилотлар, ассасалар табиий газ, марказлашган иссиқ ва совуқ сув билан таъминланди.

Зарафшон фақат олтин қазиб олувчилар ва қурувчилар шаҳри эмас. Бу ерда яратилган зарур шарт-шароит барча соҳаларнинг ривожланишига имкон бермоқда.

Марказий руда бошқармасининг бўлинмалари шаҳарликларни иқтисодий жиҳатдан таъминлабгина қолмай, аҳолига юқори даражада хизмат кўрсатадиган соғлиқни сақлаш тизимини ҳам шакллантирди. Мазкур бошқарманинг «Центральное», Зарафшон қурилиш бошқармасининг «Строитель» ва бошқа кўплаб тижорат корхоналари аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатаётир. Яқинда шаҳарда пиво заводи ҳам ишга туширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, зарафшонлик қурувчилар 36 йиллик фаолиятлари давомида катта тажриба тўпладилар. Шу боис, фосфорит комбинатининг 2-навбати, коллеж, лицей, Томди тумани маркази қурилиши, 2-, 3-кон-металлургия корхоналари реконструкцияси, Учқудуқ-Мискин темир йўлини барпо этиш ишларида ҳам фаол иштирок этдилар. Шаҳарда мусулмон мачити, православ черкови қурилди. Шунингдек, бинокорлар шаҳарликларга кўл ёнида «Жемчужина» дам олиш оромгоҳини туҳфа этдилар.

Бугунги кунда олий лигада шаҳримиз шарафини ҳимоя қилаётган «Қизилқум» жамоасига ҳам қурувчилар ҳомийлик қилмоқда. Хуллас, Зарафшон бугун мустақилликнинг 10 йиллиги нишонланадиган шодиёна арафасида республикамизда бўлаётган барча ўзгаришларни ўзида акс эттираётир.

Шаҳар санъаткорлар, ёзувчилар, спорт усталари ва чет эллик меҳмонларга ҳам кенг қучоқ очмоқда. Ўтган йили бу ерда пауэрлифтинг бўйича халқаро форум ўтказилди. Ҳар йили минифутбол бўйича ўтказилаётган анъанавий мусобақалар МДҲ республикаларида ҳам қизиқиш уйғотди.

«Золотая долина» маданият уйининг «Лаутары» ансамбли санъаткорлари Тошкентдаги катта байрам тантаналарида ўз санъатларини бир неча бор намойиш этдилар.

Мустақиллик шарофати билан Зарафшонда Ўзбек-Америка қўшма корхонаси очилди. Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг заргарлик буюмлари заводи қад ростлади. «Зарафшон — Ньюнмонт» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ва шахсан унинг бош директори жаноб Гордон Никсон шаҳарни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга яқиндан ёрдам берди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, якка-ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, ёшларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратиляпти.

Ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири шаҳар аҳолисининг бошқа жойлардан кўчиб келувчилар ҳисобига ошиши ҳамда улар учун уй-жой ва бошқа хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси хотин-қизларни янги иш ўринлари билан таъминлашдир. Шаҳар ҳокимлиги бу борада қатор тадбирларни белгилаб, амалга ошираётир.

Балоғатга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамиша муҳим вазифа бўлиб келган. Учқудуқ, Томди туманларининг ҳамда ўз ҳудудимиздаги боқувчисиз қолган болалар учун 150 ўринли «Шодлик» меҳрибонлик уйининг очилиши бу борадаги дастлабки қадамлардан дейиш мумкин. Ҳозир бу ерда 50 дан зиёд бола тарбияланмоқда. Улар учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, шаҳримиз тобора кўркамлашиб, ободонлашиб бормоқда. Мустақиллик байрами куни ишга тушириладиган академик лицей шаҳар кўркига кўрк бағишлайди. Ўша куни янги «Зарафшон» маҳалласига ётқизилган қувурлардан тоза сув оқа бошлайди. Шаҳримизда яшовчи ҳар бир киши миллатидан қатъи назар «Биз зарафшонликлар» деб ғурурланишади. Ҳа, чўлда шундай гўзал шаҳар чирой очиб унда эртанги кунимизнинг порлоқ истиқболини таъминлайдиган одамлар яшамоқда.

Аҳмад УМАРОВ,
Зарафшон шаҳар ҳокими.

ДЎСТЛАРИМ – СУЯНГАН ТОҒЛАРИМ

Шу гўзал масканда — кончилар, металлургла оиласида вояга етаётганимдан бахтиёрман. Отам меҳнат қилаётган «Зарафшон - Ньюмонт» қўшма корхонасида турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб ишлашади. Улар юрт ишқида ёнган, метин-иродали кишилардир. Ўзаро суҳбатларида бўлганимда корхоналари билан фахрланишлари, ишчилар ўртасидаги меҳру оқибат, одамгарчилик мени лол қолдиради. Буларнинг ҳаммаси биз — ёшлар учун тарбия мактабидир.

Бир воқеа ҳеч хотирамдан кўтарилмайди. Кутилмаганда украин йигитининг соғлиғи ёмонлашди. Уни зудлик билан касалхонага ётқизишди. Бундан хабар топган сменадошлари - ўзбек, рус ва тожик йигитлари қон бериб моҳир ишчининг ҳаётини сақлаб қолдилар. Шунда дўстлик нақадар қудратли куч эканлигини амалда кўрдим. Насиб қилса албатта отам учун қадрдон бўлган корхонага ишга кираман.

И.ПАРФЁНОВ,
талаба.

Ижтимоий ҳимоя

«СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЦЕХИ»

Бу ерда 1085 киши спортнинг 14 тури бўйича машғулот ўтказмоқда

Бугунги кунда 3-бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўз таркибига марказий руда бошқармасининг 31 та цех касаба уюшма ташкилотини бирлаштирган. Шунингдек, бу ерда Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ҳисобига ишлаётган «Агама» қимматбаҳо буюмлар заводи, кичик корхона ва артелларда 6 та касаба уюшма ташкилоти мавжуд. Қўмита сафида ҳозирги пайтда жами 19 минг нафар аъзо бор. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилот олдига меҳнат жамоаларида ижтимоий ҳимояни таъминлаш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, иш суръатини ошириш вазифаси қўйилди.



Касаба уюшма қўмитаси асосий эътиборни меҳнаткашлар ва нафақахўрларнинг шартномада белгиланган имтиёзлари қандай бажарилаётганига қаратди. Йиғилишларда билдирилган таклифлар қабул қилиниб, шартномада акс эттирилди ҳамда уларнинг ижроси таъминланди. Шунинг натижасида корхонада ишловчиларга шароит яхшиланиб, ойлик маошлар муттасил ўсиб борди.

Ҳисобот даврида корхонанинг ҳамма бўлинмаларида (фасфорит маҳсулотлари қазиб олиш ва ишлаб чиқариш участкаларидан ташқари) ишчи ўринлари аттестациядан ўтказилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш тадбирларига маблағ аялмаяпти. Ҳар ёзда 4 минг 490 нафар бола руда бошқармасининг «Золотинка», «Нептун», «Восток», «Юность» оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. «Лазурная» дам олиш уйи эса катта ёшдагиларнинг севимли масканига айланган. Унда меҳнаткашлар соғлиғини тиклашлари учун касаба уюшма фондидан ҳар чоракда 7 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси раҳбарлигида «Золотая долина», «Прогресс» спорт мажмуалари меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари хизматида. Бугунги кунда 374 нафар ўғил-қиз ва катта ёшдагилар «Золотая долина» қошидаги клубларда шуғулланмоқда. «Прогресс» спорт мажмуасини зарафшонликлар «соғломлаштириш цехи» деб аташади. Бу ерда 71 секцияда 1085 киши спортнинг 14 тури бўйича машғулотларга қатнашяпти. Шуғулланувчилар билан 27 нафар тренер иш олиб боряпти. Спортчиларимиз нафақат вилоятда, балки республика, халқаро мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келишаётир. Бокс, пауэрлифтинг, сузиш, гимнастика, волейбол ва спортнинг бошқа турларида қувончли натижаларга эришдилар. Улар орасида 58 та 1-тоифали, 27 спорт усталигига номзод, 5 нафар спорт усталари бор.

Шаҳардаги ҳар бир оммавий тадбир «Атлас», «Нилуфар», «Достар» ансамбллари, «Созвездие», «Родные истоки» каби ижодий жамоаларнинг иштирокида ранг-баранг ва қизиқарли ўтади.

Касаба уюшма қўмитаси ногирон болаларга «Умид» жамғармаси орқали мадад кўрсатишни йўлга қўйган. Ҳар йили 200 нафар ногирон ўғил-қиз Янги йил, Наврўз, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Мустақиллик байрами муносабати билан корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг совға-саломларини оладилар. 7 нафар ногиронга эса инсонпарварлик ёрдами сифатида махсус аравачалар топширилган.

Олег ФАРФЕНТЬЕВ,
3-бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси.

ЯНГИ УЙЛАР КАЛИТИ ТОПШИРИЛДИ

5-тиббиёт санитария қисми касаба уюшма қўмитаси тиббиёт ходимларининг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Шаҳар шифохонасининг 45 ўринли юқумли касалликлар ҳамда 40 ўринли жарроҳлик бўлимлари қайта таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ходимларнинг ойлик маоши ўз вақтида тўланиши йўлга қўйилди. Уй-жойга муҳтож бўлган беш кишига янги уйларнинг калити топширилди. Икки оилага ётоқхонадан жой ажратилди.

Шу йилнинг ўтган ойларида касаба уюшма маблағи ҳисобидан ходимларни ижтимоий ҳимоялашга 68 минг сўм сарфланди. Беморларга 146 минг сўмлик бепул дори-дармон тақсимланди. 50-55 ёшдаги ишловчи аёл ва эркакларга ўртача икки ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 35 та кам таъминланган оилага бир қопдан ун тарқатилди.

Йил якунигача инсон омилига эътиборни кучайтириш юзасидан яна қатор тадбирларни амалга ошириш режамиз бор. Ўйлаймизки, бу ишловчилар кайфиятини кўтариб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга туртки бўлади.

Татьяна СЕЛИВАНОВА,
5-касаба уюшма қўмитаси раиси.

ШАРОИТ СОЗ, КАЙФИЯТ АЪЛО

Зарафшон шаҳар Халқ таълими бўлими ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашларга ҳар томонлама хавфсиз иш шароитлари яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунки болалар муассасаларида техника хавфсизлиги, ёнғинни олдини олишга алоқадор воситалар доимо шай турмоғи лозим. Шу боис йилнинг ҳар чорагида ушбу соҳага оид тадбирлар қандай бажарилаётгани юзасидан ҳисобот тингланиб, муҳокама қилинади.

Меҳнат муҳофазаси вакили ва касаба уюшма қўмитаси бу борада ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги сабабли бўлимга қарашли муассасаларда кўнгилсиз ходисаларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмаяпти. Улар томонидан мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига тегишли йўл-йўриқ ва эслатмалар тавсия этилмоқда. Хусусан, мактабларнинг химия, физика, ЭҲМ, меҳнат хоналари техника хавфсизлиги бўйича аниқ йўриқномалар билан таъминланган. Ўқув даргоҳларининг ҳар бирида ёнғинни олдини олиш бурчаклари, бирламчи ўт ўчириш воситалари мавжуд. Уларни керакли жиҳозлар, махсус суюқликлар, асбоб-ускуналар билан таъминлашда оталиқ ташкилотлар, айниқса, марказлашган кон бошқармаси маъмурияти катта ёрдам бериб келмоқда.

Шу ўринда ишларни намунали ташкил этаётган О.Мельникова бошчилигидаги 1-мактаб-гимназия, Б.Назаров бошлиқ 13-мактаб, С.Майдабекова раҳбарлик қилаётган 2-мактаб фаолиятини мисол қилиб кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Б.БОЗОРОВ,
Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг меҳнат-техник нозири.

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, ВЯЧЕСЛАВ!

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятидан

Ҳар тўкисда бир айб деганларидек, бу ерда ҳам ўз маишатига берилиб ёки жамият олдидаги масъулиятини унутиб, фарзандлари тарбиясини издан чиқарган кимсалар ҳам йўқ эмас. Вячеслав Мендел ҳам ана шундай оқибатсизликдан қаттиқ азият чекди. Онаси бўла туриб, бола ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Натижада у кўчада қолиб, ножўя ишларга қўл урди. Ўғрилик қилиб, қамалди. Жазо муддатини ўтаган Вячеславни яна ўз ҳолига ташлаб қўйиш асло мумкин эмас эди. Ички ишлар бошқармаси ходимлари унга биринчи кунданоқ ёрдам кўрсатишди. Тоғ-кон металлургия корхонасига ишга жойлашди. Худди шундай кўчада санғиб юрган Виталий Василенько, Баскар Малдабеков, Владимир Федолов, Зинаида Иманшаевалар ҳам соғлом муҳитга қайтди. Жиноят кўчасига кирган беш бола махсус ўқув юртларига юборилди.

Бошқармада балоғатга етмаганлар билан ишлаш яхшиланганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, шаҳарда ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг 5 ойига нисбатан бу йил қарийб 50 фоизга камайди. Жиноятларни очиш кўрсаткичи 90 фоизга етди. Жумладан, муқаддам судланганлар томонидан қилинган жиноятлар сони 18 тага, спиртли ичимликлар ичиб қонунни бузганлар 2 тага, ўзгалар мулкини ўғирлаш 19 тага камайди.

Жиноятчини жазолашдан кўра жиноятнинг олдини олган муҳим. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорини бажариш юзасидан ички ишлар бошқармаси туман ҳокимлиги, маҳалла қўмиталари, мактаблар, ташкилот ва корхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Туман ҳокимлигидаги комиссияга жонкуяр аёл Роза Айопова раислик қилмоқда. Ҳокимлик ташаббуси билан шаҳарда, Учқудуқ, Томди туманларида боқувчисиз, парваришсиз қолган болалар ёки суд қарори билан оталик, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандлари учун «Шодлик» меҳрибонлик уйи ташкил этилди. Меҳрибонлик уйига шаҳардаги энг кўркам бино олиб берилди ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Унга оталиқ ташкилотлари биркитилган. Учта фирма ҳар ойда юз минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир ўқув даргоҳи, оромгоҳларга ички ишлар ходимлари биркитилган бўлиб, улар турли мавзуларда профилактик тадбирлар ўтказишмоқда. Бошқарма ходимлари балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи, милиция майори Даврон Жабборов билан ҳақли суратда фахрланадилар. Кўп йиллардан бери сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу жонкуяр инсон 2000 йил якуни бўйича Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

И. ХАСАНОВ олган суратлар.

Сайдулло МУРОДОВ,
Зарафшон шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.

Саҳифани тайёрловчи: Ё. САРИЕВ, "Ишонч" мухбири.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати йиғилишида

ДАВР ИМИЛЛАШНИ КЕЧИРМАЙДИ

Ҳар бир раёсат йиғилиши уюшқоқлик, ошкоралик, юксак даражада талабчанлик ҳамда танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ўтади. Асосий эътибор камчиликларнинг туб сабаблари ва уларни бартараф этиш омиллари, ечимини кутаётган муаммолар, энг оммавий жамоат ташкилотининг бозор шароитида меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатидаги нуфузи, таъсир доирасини оширишга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III қурултойи қарорлари ва Ҳаракат дастурини бажариш борасидаги фаолияти ҳам худди шу талаблар доирасида бир-бир назардан ўтказилди.

Мазкур касаба уюшманинг 452 бошланғич ташкилоти бўлиб, улар ўз атрофига 237635 нафар аъзони бирлаштирган. Қурултойдан сўнг ўтган давр мобайнида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ижтимоий шерикчилик тамойилларини ривожлантира бориб, марказий ва вилоят қўмиталари билан тегишли органлар ўртасида тузилган тармоқ келишувлари, жойлардаги жамоат шартномаларини бозор муносабатлари шароитларига мос келишини таъминлаш, улар орқали ишловчиларга берилаётган қўшимча имтиёзлар кўламини мунтазам ошириб бориш хусусида муайян ижобий силжишларга эришилди.

Шу билан бирга Марказий қўмита иш услубида, тармоқ касаба уюшмалари фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Аввало ижро интизоми, қабул қилинган келишувлар, жамоа шартномаларидаги тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат суст. Айниқса, тармоққа тегишли қатор корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик катта миқдордалиги ҳақли равишда ташвиш уйғотмоқда. Вилоят миқёсидаги касаба уюшма органлари мутасадди ташкилотлар олдига бу камчиликни бартараф қилиш, меҳнаткашлар мушкулини осон этиш тўғрисида қатъий талаблар қўйганликлари, Марказий қўмитага неча бор мурожаат этганликларига қарамай, тегишли чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Ишловчилар ҳақининг вақтида берилмаслиги улар кайфиятига, иш унумига салбий таъсир ўтказмоқда.

Корхона, ташкилотларда ишчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш энг оммавий жамоат ташкилотининг муҳим вазифаларидандир. Бахтга қарши, ушбу тармоқ тизимидаги кўпгина жамоаларда меҳнат шароити талаб даражасида эмас. Ҳазрати инсон саломатлиги, тинч-хотиржамлиги ҳар нарсадан улуғ. Мутасаддилар буни яхши билганлари ҳолда инсон омилига эътиборни сусайтириб қўйишган. Айрим жойларда ўзибўларчилик, расмиятчилик, масъулиятсизлик ҳукм сурмоқда. Оқибат-натижада тармоқда ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар камайиш ўрнига кўпаймоқда. Бу борадаги кўрсаткич 2000 йилда 1998 йилга нисбатан 1,5 баравар ошганлигини қандай тушуниш мумкин?

Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорлар, хусусан, III қурултой ҳужжатларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Улар асосида мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётган бир шароитда ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ғоят муҳим ишни шу кун талаблари даражасида олиб боролмаётир. Рақамларга мурожаат этайлик. Тармоқда жисмоний тарбия жамоалари сони ўтган йили 1999 йилга нисбатан 51 тага, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони эса 8,5 минг кишига камайтириб юборилди. Гап шундаки, Марказий қўмита раёсат йиғилишларида жойлардаги касаба уюшма ташкилотларининг маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга эътиборни тубдан ўзгартириш юзасидан қандай ишларни амалга ошираётганликларини атрофлича кўриб чиқмаган. Ўрни келганида қатъиятлик, ташкилотчилик, талабчанлик кўрсатмаган. Боз устига, ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағларни бошқа тадбирларга ишлатиш ҳолатларига йўл қўйилган. Бундай камчиликлар «Мубаракнефтегазмонтаж» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Ўзнефтегазстрой» акциядорлик компаниясида кўпроқ кўзга ташланади.

Ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал этади. Давр биздан омилкор, тадбиркор, ташаббускор бўлишни, мақсад сари дадил интилишни, муваффақиятни таъминлайдиган омиллардан унумли фойдаланишни талаб этмоқда. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошилса, юқоридаги камчиликларнинг туб сабаблари янада ойдинлашади. Гап шундаки, Марказий қўмита кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласига лозим даражада эътиборни қаратмаган. Узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган кишиларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш билан бирга, кадрлар таркибини ёш, изланувчан, салоҳияти кучли мутахассислар ҳисобига мустаҳкамлашга эришмаган. Ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётганлар орасида ўз соҳасининг мутахассиси бўлмаган, ўрта маълумотли ёки пенсия ёшидан ўтган кишиларнинг борлиги тармоқда ишлар кўнгилдагидек кетмаётганлиги, қатор муаммолар юзага келаётганлигининг бош сабабларидан биридир. Яхши кадр йиллар мобайнида шаклланишини ҳисобга олсак, қимматли вақт бой берилганлиги кундек равшан бўлади.

Раёсат йиғилиши қатнашчилари сўзларидан яна шу нарса маълум бўлдики, Марказий қўмита санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш, уларни қисман нархини ундириш борасида тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида кўплаб хато ва камчиликлар борлигини била туриб бонг урмаган. Ҳал қилувчи бўғинларда қонунбузарликларга қарши муросасизлик муҳитини юзага келтириш хусусида қайғурмаган. Бунинг натижасида Навоий электрокимё заводи, Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва бошқа жойларда йўлланмаларни тақсимлашда қўпол хатоларга йўл қўйилган, ижтимоий адолат тамойиллари бузилган. Анжуманда Марказий қўмита раиси А.Ғуломов фаолияти, унинг танқидга муносабати масаласидаги камчиликлар ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати йиғилиши қарори билан ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси олиб бораётган ишлар давр талабига жавоб бермайди, деб топилди.

Табиийки, иш манфаати, касаба уюшмалари жанговарлигини янада оширишга қаратилган ошкора мулоқотлар, танқидий фикр, таклиф-мулоҳазалар бошқа тармоқлар мутасаддилари учун ҳам қайсидир маънода сабоқ ва катта мактаб ролини ўтайди. Хулоса: бозор талаби қатъий, давр имиллашни кечирмайди. Энди ҳамма гап танқиддан тўғри хулоса чиқариш, ўзини оқламаган услублардан воз кечиш, меҳнаткашларга яқинроқ бўлиш, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшай билишда қолган. Шундагина ишда туб бурилишга эришиш мумкин.

М.ҚАЮМОВ.

«ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА»

Сўраган эдингиз

Лекин менимча, унинг конституция ва қонун устуворлигини таъминловчи орган эканлигига шу ерда алоҳида урғу берилиши зарур. Бу Конституциямизнинг 15-моддасига монанд бўлур эди. Моддадаги иккинчи мазмун прокуратура марказлаштирилган тизим эканлигини акс эттиради. Аммо матнга кўра, прокуратура гўё ягона, яъни давлат органлари жумласида бирдан-бир марказлашган тизим, бошқа давлат органлари бу хил хусусиятга эга эмас, деган ғалат маъно келиб чиқади.

Иккинчидан, лойиҳадаги 6-модданинг охирги қисмида Конституциямизнинг 120-моддасидаги «Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар», деган қисм тўлиғича берилмаган. Бу эса, қонуннинг конституция нормаларига зидлигини келтириб чиқаради.

Учинчидан, лойиҳанинг 23-моддасида прокурорларнинг ваколатлари баён қилиниб, улар «тезкор-қидирув фаолиятнинг ҳужжатлари ва материалларини» талаб қилиб олишга ҳақли эканликлари уқтирилган. Бу ҳол амалиётда тезкор-қидирув фаолиятини ошкор қилинишига сабаб бўлиши, уни қийинлаштириши ва кучсизланишига олиб келиши муқаррар. Прокурор бу хил ҳужжатлар ва материаллар билан фақат қонунда кўрсатилган доирада ва чеклашларга риоя қилиб танишиши мумкин. Кези келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу хилдаги фаолияти тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниши лозим эди.

Тўртинчидан, лойиҳанинг 29-моддаси ҳозирги қонунда бор бўлса-да, ҳуқуқшунослик назариясида ва амалиётида танқидга учраган «ишларни суддан талаб қилиб ва чақириб олиш» ҳақида қоидани кўзда тутади. Бундай ҳуқуқ бирор-бир давлатда прокурорларга берилмаган. Бу қоида жамоат ишларида прокурор ва ҳимоячи, фуқаровий, хўжалик ишларида эса — прокурор ва жавобгарнинг вакили ўртасида тенгсизлик туғдиради. Ваҳоланки, суд ишлари билан танишиш ҳар иккала тарафнинг тенг ҳуқуқидир. Улардан бирига ишни бериш, иккинчисини эса иш билан ҳатто танишиш ҳуқуқидан вақтинча бўлса-да, маҳрум қилиш адолатдан эмас.

Бешинчидан, лойиҳанинг 32- ва 36-моддаларида бир-бирига яқин қоидалар бор. Уларга кўра, ҳар қандай норматив ҳужжатга прокурор протест билдирса ва ҳужжатни чиқарган орган ёки мансабдор шахс протестдан норози бўлса, прокурорнинг талаби бўйича масалани суд кўриб чиққунча ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилади, дейилади. Прокурорнинг талабидан норози шахс эса, ўз шикоятини фақат шу ёки юқори турувчи прокурорга бериши мумкин ва бундай шикоят прокурорнинг талаби бажарилишини тўхтатмайди. Шундай қилиб, прокурор ва жисмоний ёки юридик шахс ўртасида очиқдан-очиқ тенгсизлик юз беради. Низони ҳал қилиш учун тарафлардан бири судга мурожаат қилишга ҳақли, иккинчиси эса бу ҳуқуқдан маҳрум. Бирининг талабини иккинчиси бажариши мажбурий: протест билдирилган ҳаракатнинг ижроси тўхтатилади. Иккинчисининг шикояти эса биринчисининг талабини ижро этишга монелик қилмайди.

Фикримча, бу қоидалар Конституцияга зид. Унинг 44-моддасида кўрсатилганидек, «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади». Бу одилона қоида шубҳасиз барчага тааллуқли. Унинг таъсиридан прокурорлар ҳам холи бўлмаслиги керак.

Олтинчидан, лойиҳага биноан прокуратура органлари зиммасига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдек муҳим вазифа юклатилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш мутасил самарали фаолият кўрсатмоқда. Лекин барча вилоятлардаги тегишли Кенгашлар ўз ваколатини тўғри ва аниқ бажармоқда, деб бўлмайди. Масалан, жорий йилнинг апрел ойида Сирдарё вилоятида бу Кенгаш жиноят ишларини судлар томонидан қўшимча терговга қайтариш ҳолларини муҳокама қилган ва судьяларни ўз мажлисига чақириб, фаолиятини мувофиқлаштиришга интилган. Судларнинг мустақиллигига қандай тарзда бўлмасин салбий таъсир кўрсатиш ҳоллари юз бермаслиги учун лойиҳадаги 18-моддага «Кенгаш судларнинг фаолиятига оид тавсия ҳамда йўл-йўриқ бериши мумкин эмас», деган жумла киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ниҳоят, яна бир мулоҳаза. Лойиҳанинг 38-моддасида прокурор ва терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахслар қасамёд қилиши кўзда тутилган. Лекин қасамёднинг матни келажакда Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши кўзда тутилган. Менимча, қасамёд матни бевосита моддага киритилиши лозим. Судьяларнинг қасамёди «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг ўзида, гувоҳларнинг қасамёди процессуал кодексларда берилган. Бу анъанавий бўлиб қолган тартибдан чекинишга ҳожат йўқ. Конституциямизнинг 92-моддаси ҳам таклифимни тасдиқлайди.

Юқорида баён қилинган мулоҳазалар лойиҳани янада такомил топишига кўмаклашади, деб умид қиламан.

Ғ.АБДУМАЖИДОВ, профессор.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ЗАМОНГА ХОС КОЛЛЕЖЛАР

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ Андижон вилоятида олтита коллеж ташкил қилиш кўзда тутилган. Янги ўқув масканлари 1 сентябрдан 4200 нафар ўқувчини қабул қилади. Вилоятнинг Пахтаобод туманида 450 ўқувчига мўлжалланган коллеж барпо этилмоқда.

- Ўқув юртининг лойиҳавий қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмга тенг, - дейди «Андижонвилоятқурилиш» акционерлик жамиятининг 2-сонли механизациялашган кўчма колоннаси прораби Аҳмаджон Қодиров. - Ҳозиргача 350 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Қурилишда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, объектни ўз муддатида фойдаланишга топширамиз.

Қува тумани «Матлубот-савдо» ҳиссадорлик жамияти яқинда замонавий ишлаб чиқариш тармоғини ишга туширди. Печенье ва макарон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган бу тармоқ қиркка яқин қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади. Ҳозирда бу ерда 4 тонна печенье ва 1 тоннадан ортиқ макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Айни кунда «Салом» номи билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми жамият билан ҳамкорликда ишлаётган 150 дан зиёд турли савдо дўконларига етказиб берилаётир.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар. Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

«ШОЛИКОР»ЛИК ҲОТАМТОЙ ФЕРМЕР

(Боши 1-бетда).

160 гектар ерда ўзи ишлаш ўрнига уни тўртта ижарачига 40 гектардан бўлиб берди. Нега, қай мақсадда? Келинг, Сирдарё шаҳар Амир Темур кўчаси, 157-уйда истиқомат қилувчи Маҳмуджон Юсуповдан эшитайлик.

«Мен фермер ўз ихтиёридаги ерни бошқаларга ижарага бериши мумкин эмаслигини билмас эдим. Билганимда бундай нотўғри ишга қўл урмаган бўлардим.

Абдураҳмон ўз фермер хўжалигига қарашли ернинг 42 гектарини менинг ихтиёримга топшириб қўйишини айтди.

— Шоли экасиз, - деди у, - уруғликни ўзим етказаман. Гектаридан 2 тоннаю 200 килограммдан ортиқ шоли — сизники. Бу ёғига нима қилсангиз, ўзингиз биласиз.

Таклифга кўндим. Ишни бошлаб юбордик. 7 нафар ишчи кучи ёллаб, кечаю кундуз тиним билмадик. Кунларнинг бирида Абдураҳмон ёнимга келиб «гектаридан 2,2 тонна эмас, 3 тоннадан берасиз» деб қолди. Рози бўлдим. Ҳосил кутилганидан зиёда бўлди. Буни кўрган фермер энди гектаридан 3,5 тоннага чиқиб олди. Қанчалик диққат бўлмай, шартга кўнишга мажбур бўлдим.

Пировардида гектаридан 6 тоннадан шоли йиғиштириб олдик. Шартлашганимиз бўйича Абдураҳмон мен ва шерикларим учун 94 тонна шоли бериши керак эди. Сўзининг устидан чиқмади. Қарасам бўлмайдиган, 50 тонна сўрадим. У аввалига рози бўлдию кейинчалик яна бизни сарсон қилди. Бор-йўғи 7 тонна шоли берди. Ҳаммадан ҳам ўзим билан ёнма-ён кечаю кундуз ишлаган етти азаматга ачиндим. Улар ваъда қилинган ғаллани олишолмади».

«Мени Абдураҳмон Негматов ўзимга қарашли «Тико» машинамда бир мавсум хизмат қилиб беришга кўндирди, - дея ҳикоя қилади Баҳодир Ҳотамқулов, - эвазига 30 тонна шоли бераман деди. Йил давомида ярим кечагача елиб-югурдим. Вақти келса, ойлаб уйга келолмадим. Бу орада янги машина эскириб, деярли ишдан чиқди. Кузакда 30 тонна ўрнига талашиб-тортишиб аранг 6 тонна шоли ололдим, холос... Ҳозир уйимиздагилар билан катта жанжал кетаяпти. Ҳар гапнинг бирида хотиним «Сиз болаларнинг ризқини қийиб, ёлғончи фермерга ёлланиб чув тушдингиз», дея дакки берганиберган.

Шу йил феврал ойининг бошларида Абдураҳмоннинг Маккаю мукаррама зиёратига кетаётганидан хабар топиб қолдим. Шунда Сирдарё вилоятининг имомига учрашиб, шундай дедим:

— Ўз сўзида турмай, мўмин-мусулмонларнинг ҳақи ҳисобига ҳажга бориш гуноҳи азим ҳисобланмайдими, тақсир?

Имом афсусланиб бош чайқади: аттанг, паспортига имзо чекиб қўйилган...

Мана шунақа гаплар. «Шоликор»лик хотамтой фермер ҳозир анча бўшашиб қолган. Боиси, ишонган кишиси ишдан кетган. Ширин шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келган, Олий Мажлис депутати И.Эрбеков туман ҳокими бўлиб фаолият юритмоқда. Бирин-кетин адолат юзага чиқаяпти. Ножўя ишларнинг илдизига болта урилаяпти. Бироқ янги ҳокимга ҳам чамаси осон бўлаётгани йўқ.

— Туманимизнинг каттагина пахта режаси бор, - дейди Исроил Йўлдошевич, - шу боис Абдураҳмон Негматовга 160 гектар ернинг тўртдан бир қисмида пахта етиштириш тўғрисидаги таклифимизни айтдик. Лекин у қатъиян бош тортди. Қизиғи шундаки, ҳамон кимлардир уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишаяпти. Мана, июн ойи ҳам охирлаяптики, А.Негматов бошлиқ фермер хўжалигининг 40 гектар ерига ҳали-ҳануз ҳеч нарса экилмаган. Бебаҳо бойлик — ернинг умри зое ўтказилаяпти. Бундан кимга фойдаю, кимга зиён...

Ҳар ҳолда хўжалик кишилари адолат ўз жойида қарор топади, дея қатъий ишонишмоқда.

Қодиржон СОБИРОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

Деҳқон манфаати йўлида

Ўрим-йиғим мавсумини муваффақиятли ўтказишда ўз бурчларини яхши англаган Андижон вилояти касаба уюшмалари Кенгаши мавсум олдидан тажрибали мутахассислардан иборат махсус ишчи гуруҳини ташкил этган эди.

ИШЧИ ГУРУҲИ ДАЛА КЕЗАДИ

Гуруҳ аъзолари жойларда бўлиб, ўрим-йиғимда иштирок этаётган комбайнчи, ҳайдовчи ва бошқа иштирокчилар учун яратилган меҳнат ва дам олиш шароитларини кўздан кечиришмоқда, техника хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларининг аҳволи билан танишишмоқда. Бу соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, камчиликларни вақтида бартараф этиш билан шуғулланишмоқда.

— Мавсумни намуналли ташкил этишда вилоятимизда катта тажриба тўпланган, - дейди гуруҳ аъзоси, вилоят касаба уюшмалари кенгашининг бўлим мудири Сойибжон Солиев. - Бироқ Избоскан туманидаги айрим хўжаликларда транспорт воситаларини йўналишга чиқаришдан олдин ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилмай қўйган, ҳатто гувоҳномаларсиз ишга чиқиш ҳоллари учрайди. Пахтаобод туманидаги ўрим-йиғим бораётган жойларда эса кўчма ювиниш хона (душ)лари етишмайди. Дон қабул қилиш пунктларига юк олиб кираётган ҳайдовчилар чангдан сақланиш кўзойнаклари билан таъминланмаган.

Гуруҳ аъзолари бу камчиликларни аниқлаб, ундан маҳаллий ҳокимликни хабардор қилиш билангина кифояланиб қолмай, уларни бартараф этишга ҳам кўмаклашишмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА БАҒИШЛАБ

Наманганда яқинда ташкил этилган Ўзбекистон репродуктив саломатлик уюшмасининг вилоят бўлими фаоллари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Улар ўз фаолиятини вилоят маҳаллаларида бошлади ва хато қилишмади. Эндиликда янги учрашувлар ўтказиш тўғрисида буюртмалар келиб тушмоқда. Меҳнат жамоаларида ҳам бунга қизиқиш катта. Таълим муассасаларида «Тенг-тенгга» шиори остидаги тадбирлар ўтказилмоқда. Уюшманинг вилоят бўлимида тайёргарликдан ўтган коллеж ўқувчилари ва талабалар эндиликда ўзлари вилоятнинг бошқа ўқув муассасаларида тенгдошлари билан учрашувлар уюштирмоқда.

Репродуктив саломатлик уюшмаси вилоят бўлимининг янги дастурларидан бири оилавий муносабатлар муаммоларига бағишланган.

(ЎзА).

«Аср кишиси» танловига

БОШ МУРАББИЙ

лавҳа

Туташ қошли, кўркам юзли бу йигитни илк маротаба ўтган йилнинг муҳим воқеаларидан бири ҳисобланган талаба ёшларнинг универсиада мусобақалари ўтаётган кезлари учратгандим. У баҳсларни жимгина, зийраклик билан кузатар, юз-кўзларидан меҳр, самимият ва камтарлик уфуриб турарди. У наманганлик каратэчиларнинг устози, II дан қорабелбоғ соҳиби Аюбхон Тошбоев эди.

— Аюбхон ёш бўлишига қарамасдан вилоят каратэ спорти тараққиётига катта ҳисса қўшаётган, кўплаб ёшларнинг чемпион бўлишини таъминлаётган мураббий, — дейди унинг илк устозларидан бири, спорт устаси Жўрахон Мамажонов.

Аюбхоннинг спорт оламига кириб келиши қизиқ бўлган. Шаҳардаги 38-мактабнинг бошланғич синфида ўқиб юрган пайтлари бўйи пастроқ, жуссаси кичикроқ бўлгани учун уни синфдошлари кўпроқ турткилашарди. Бир сафар машҳур қўмондонлар ҳақида ёзилган китоб қўлига тушиб қолди. «Суворов ҳам мен сингари нозик-ниҳол бола бўлган экан. Тинимсиз жисмоний машқлар туфайли тенги йўқ ҳарбий қўмондонга айланибди. Энди мен ҳам спорт билан астойдил шуғулланаман» деди қатъият билан китобни ўқиб чиққач Аюбхон. Шундай қилиб миллий кураш тўгарагига қатнай бошлади. Аюбхоннинг жуссасини кўриб дастлаб менсимайгина беллашганлар доғда қолишар, у эса эришилган муваффақиятларга қаноатланмай, мунтазам машқлар қилиб, жисмонан чиниқишга зўр берганлиги боис ҳаш-паш дегунча рақибларини мағлуб қилишда давом этарди.

Орадан йиллар ўтди. Аюбхон шаҳарлараро, вилоятлараро ва республика миқёсидаги беллашувларда қатнашиб, муваффақият қозонди. Тўртта турнирда иштирок этиб, ўқувчилар ўртасида чемпион бўлди, мукофотлар олди. Ўқувчилик даври ниҳоясига етиб, Фарғона савдо техникумига ўқишга киргач ҳам спорт билан шуғулланишни канда қилмади.

— Бир гал мусобақалар якунланаётганида ҳакамлар томонидан чақириб қолишди, - эслайди Аюбхон. — Оқ сочли корейс миллатига мансуб киши ўзини Анатолий Ким деб таништирди ва каратэ клубига боришни таклиф этди. Борсам, машғулотларга қатнашсам спортнинг бу турини ҳам осонгина ўзлаштириб кетишим мумкинлигини айтди...

Аюбхон Тошбоев техникумни битириб Наманганга қайтди. Мутахассислиги бўйича деярли ишламади.

— Мендан савдогар чиқмаслигини, спортсиз яшай олмаслигимни, у ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланганлигини англаб етгандим, - дейди йигит.

Аюбхонни вилоятнинг ҳақиқий каратэ жонкуярлари ўз сафларига олдилар. Тезда устозлари қатори ёшларга каратэ сирларини ўргатиш билан бир қаторда нуфузли беллашувларда ҳам иштирок эта бошлади. Ва истеъдодли каратэчининг қай мусобақадан бўлмасин, албатта, ғолиб сифатида қайтишга ўрганиб ҳам қолишди. 90-йилларнинг охирларидан эътиборан эса унга вилоятнинг каратэ бўйича бош мураббийси вазифаси юклатилди.

— Спорт шундайин сирли ва мўъжизавий оламки, унга меҳр қўйдингми, ким бўлишингдан, қайси бир соҳада фаолият кўрсатишингдан қатъи назар, бетиним ўз устингда изланиш талаб этилади. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан шунга мажбурсан, - дейди Аюбхон. — 1996 йилда Тошкентда, 1997 йилда Қирғизистон пойтахти Бишкекда ўтказилган халқаро турнирларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдим. Лекин менинг бош вазифам, бурчим шаҳар, вилоят ва албатта жонажон Ўзбекистонимиз шаънини, обрў-эътиборини ҳимоя қиладиган каратэчиларни тарбиялаб етиштиришдан иборат.

Айтганча, Аюбхон бу борада дуруст натижаларга эришди ҳамки, вилоят каратэчиларининг Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганликлари бунинг далилидир. 1999 йилда Венгрия пойтахти Будапештда ташкил этилган Жаҳон кубоги беллашувларида А.Тошбоевнинг шогирди Бобур Юнусов бронза медали совриндори бўлди. Шунингдек, наманганлик 12 спортчидан 4 нафари ўз вазн тоифаларида биринчи, 4 нафари иккинчи ўринни забт этди. Ўтган йили Қирғизистон пойтахтида ўтказилган Марказий Осиё мамлакатлари ёш каратэчилари учрашувида эса 12 нафар спортчи ўз вазн тоифалари бўйича биринчи ўринларни қўлга киритишди. Жорий йил бошларида Тошкентда уюштирилган республика чемпионатида ҳам яхши натижалар қайд этилди. Умуман, вилоят каратэчилари Аюбхон Тошбоев бош мураббийлик қилаётган 1996 йилдан ҳозирги кунга қадар ўтказилган беллашувларда 187 та олтин, 173 та бронза, 217 кумуш медал олишга эришдилар.

Ёш бош мураббий билан хайрлашар эканмиз, унинг истеъдодли спортчиларни камол топтириш, Ўзбекистонимиз довруғини дунёга таратиш йўлидаги эзгу ишларига омадлар тиладик.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ватан ишқи

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси тизимга қарашли бадиий жамоалар ўртасида «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» кўрик-танловини ўтказди.

— Оналар ва болалар йилига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир соҳа ходимларини руҳан юксалтириб, унумли ва баракали меҳнатга чорлайди, - дейди вилоят тармоқ қўмитаси раиси Ш.Султонов. - Чунки яхши дам меҳнатга ҳамдам.

Якуний хулосаларга кўра Бухоро туман марказий шифохонаси ва вилоят тиббиёт билим юрти жамоалари биринчи, Бухоро шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ва Вобкент тумани марказий шифохонаси иккинчи, Жондор ва Ғиждувон тумани марказий шифохоналари учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ғолибларга вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва тармоқ қўмитаси томонидан таъсис этилган совға-саломлар топширилди.

У.НАВРЎЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: кўрик-танлов ғолиби, ҳамшира Мастура Ашурова.

Шу кунларда Милан якинида шоссе велопойгаси бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Унда 22 мамлакатдан 130 нафардан ортиқ спортчи иштирок этяпти. Улар тоғли худудлар ва текислик бўйлаб 11 та қийин босқични босиб ўтиши керак.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Мусобақаларнинг беш босқичидан сўнг Ўзбекистон жамоаси бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, ҳамюртимиз Сергей Крушевский шахсий биринчиликда бешинчи натижани кўрсатмоқда. Олдинда яна олтита босқич бор.

«Ишонч» 2001 йил 19 июн

«АНҲОР ЁНИДА МОЛХОНА...»

мақоласи газетхонлар эътиборида

Бебаҳо бойлик — сувсиз ҳаёт йўқ. Оби ҳаёт сероб бўлган маскан гуллаб-яшнайди. Шу боис, ариқлар, сойлар, каналлар сувини зилол ва покиза сақлаш, уларни турли чиқинди, инсон саломатлигига хавф солувчи моддалардан ҳимоя қилиш, ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиш қаерлардадир сув танқислиги сезилаётган бир шароитда ўта муҳим вазифадир.

Газетамизда чоп этилган «Анҳор ёнида молхона...» сарлавҳали мақола эълон қилингандан сўнг жойлардан хатлар келмоқда, телефонлар бўлиб турибди. Куюнчак муштарийлар кўп жойларда оқар сувларимиз қадрига етилмаётгани, анҳорлар, каналлар ёнида молхона-ю товуққхона, ҳаттоки ҳожатхоналар қурилаётганлиги, бунинг гуноҳи азим эканлигини куюниб ёзишган. Хулоса шуки, чинданам оқар сувларимиз муҳофазага жуда муҳтож. Бу ҳақда жиддий ўйлашимиз, камчиликларни биргалашиб тўғрилашимиз, етилган муаммога мутасадди ташкилот, идоралар эътиборини жалб этишимиз ниҳоятда муҳим. Акс ҳолда, ношукурлик, сувга муносабат масаласидаги жиддий камчиликлар эртага ғоят қимматга тушиши мумкин.

Қуйида шулар ҳақида гап боради.

СУВНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ ГУНОҲИ АЗИМ

Мақолани ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Табиатга, оби ҳаётга бефарқ қараётган кимсаларга нисбатан нафратим қўзиди. Ахир, қандай гап, покиза, зилол сувлар шарқираб оқаётган, ўлкамизни яшнатаётган бебаҳо неъмат ёнига молхона, чўчқахона, ҳожатхона қурилса. Кунига қанчадан-қанча чиқиндилар ўйламай-нетмай катта ариқлар, анҳорларга ағдарилса. Наҳотки, шунчалик бефарқ, беғам бўлиб қолдик. Очиғи, ўзимдан ҳам хафа бўлиб кетдим. Юқоридаги камчиликларни ҳаммамиз биламиз, гуноҳи азимга қўл ураётган кимсаларга кўзимиз тушади. Негадир ўзимизни кўрмаганга оламиз. Мақола муаллифлари тўғри таъкидлашган, оқар сувларни тоза, зилол ва мусаффо ҳолда келгуси авлодларга қолдириш барчамизнинг бурчимиздир.

Бу ишга маҳалла фаоллари, корхона, ташкилотларнинг раҳбару мутахассислари биринчи галда бош-қош бўлишлари керак. Келинглар, оқар сувларни ифлослантиришга қарши муросасизлик муҳитини яратайлик.

Ахрорхон МАҚСУДОВ,
Арнасой туманидаги «Самарқанд» фермер хўжалиги аъзоси.

БУ ХАТО ЭРТАГА ҚИММАТГА ТУШАДИ

Матбуот — қудратли куч. У орқали айтилган адолатли сўз ёки кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар ҳақидаги мақола тезда оғизга тушади. Кечки пайт кўчага чиқсам, бир гуруҳ кишилар «Ишонч»да чоп этилган «Анҳор ёнида молхона...» сарлавҳали мақолани муҳокама қилишаётган экан. Унда ғоят ҳаётий масала кўтарилган. Фикримни ҳаётий мисол орқали тушунтирсам.

Кўпинча нигоҳим Акмал Икромов тумани ҳудудидаги халқа йўл бўйлаб оқаётган Қорақамиш сувига тушади. Унинг қирғоқлари ахлатга тўлган. Назарбек кўприги ёнидаги аҳвол эса бундан-да ачинарли. Боиси, шундоққина катта сув ёнига қурилган дўкон эгалари чиқиндиларни «Қорақамиш»га ағдаришмоқда. Синчковлик билан қарасам, шаҳар канализация идорасига қарашли катта қувур носозлиги сабабли унинг заҳарли оқавалари Бўзсув каналига оқиб тушмоқда. Ахир, бу инсон саломатлигига ўта хавфли-ку. Боз устига, сувда чўмилаётган фарзандларимизга зиён етказмайди, деб ким ҳам кафолат бера олади.

Пойтахтимиз Тошкент ўзининг гўзаллиги, орасталиги, кенг бунёдкорлик ишлари билан барча вилоятларга намуна бўлиб келмоқда. Бироқ, оқар сувларга бўлган муносабат чамаси кўпчиликнинг назаридан узоқлашган. Бу албатта лоқайдлигимиз, бепарволигимиз, ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган чиркин қарашлардан халос бўла олмаётганлигимиз оқибатидир. Шу ҳақда жиддий бош қотирайлик, азизлар!

М.ҲАЙДАРОВА,
уй бекаси,
Тошкент шаҳри.

КЎЧАЛАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ

Сариосиёдаги Шарғун шаҳри «Дўстлик» маҳалласининг серқатнов «Ўзбекистон» кўчасидан ўтиб боракансиз, ахлат уюмлари, турли чиқиндиларга кўзингиз тушиб, таъбингиз хира тортади. Шу боиски, пашша-чивинлар кўпайган. Буларнинг ҳаммаси аҳоли саломатлигига таъсир этади табиий. Табиий савол туғилади, ҳар куни шу ердан туманнинг кўпгина раҳбарлари қатнашади. Улар нохуш манзарага наҳотки бефарқ қараб ўтишса? Ачинарлиси шуки, «Лола» болалар боғчаси кираверишида ҳам ахлатлар уюми.

Бундай ташвишли ҳол шаҳарнинг «Ўзбекистон», Охунбобоев, Собир Раҳимов маҳаллалари кўчаларида ҳам кўзга ташланади. Айниқса, ёз жазирамасида санитария қоидаларига бепарволик жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Ишонч»да босилган мақола мени чуқур ўйлашга, мушоҳада юритишга, қўлимга қалам олиб, юқоридагиларни баён этишга ундади.

Аннамурот ЖУМАҚУЛИЕВ,
хизматчи.

Мамлакатимизда жорий йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши кўплаб эзгу ишларга йўл очмоқда. Хусусан, спорт оммавийлигига эришиш мақсадида пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида ҳам қатор хайрли тадбирлар уюштирилмоқда.

КИЧКИНТОЙЛАР БАҲСИ

Яқинда тумандаги 171-мактабда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб қизлар ўртасида баскетбол мусобақаси бўлиб ўтди. Муросасиз беллашувлардан сўнг майдон эгалари ғолиб бўлишди. 2-ўринни эса Технология лицейи жамоаси эгаллади.

Шунингдек, туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида «Соғлом танда - соғ ақл» шиори остида ўтган «Ботир-2001» деб номланган спорт мусобақаларида жажжи ўғил-қизлар ўз боғчалари шарафини ҳимоя қилдилар. Қизиқарли ўтган баҳсларда 382-болалар боғчаси кичкинтойлари энг кўп очко тўплаб, зафар қучдилар. 82- ва 512-болалар боғчалари тарбияланувчилари кейинги ўринларни эгаллашди.

— Бундай мусобақаларни ўтказиш мунтазамлилик касб этаётганини таъкидлашни истардим, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи И.Зокиров. — Зеро, бу тадбирлар болажонларимизни кучли, соғлом, идрокли бўлишларига хизмат қилиш билан бирга спортга бўлган қизиқишларини ҳам оширади.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Футбол

АСОСИЙ ЎЙИНЛАР КЕЧИКТИРИЛДИ

Кутилганидек, мамлакат чемпионати 17-турининг марказий учрашувлари номаълум муддатга кўчирилди. Терма жамоанинг Малайзияда бошланган Қирол кубоги мусобақаларида иштироки муносабати билан таркибидан талайгина футболчиларни командировка қилган «Нефтчи», «Пахтакор», «Дўстлик» жамоалари бу тур баҳсларидан озод қилиндилар.

Натижада мухлислар «Насаф» - «Навбаҳор» учрашувини истисно қилганда, маҳаллий аҳамиятга молик ўртаҳол курашлар билан кифояланишга мажбур бўлдилар. Бор-йўғи бир матчда йирик ҳисоб қайд этилди. Чемпионат дебютанти «Академия» олий табақа ҳадисини олган «Трактор» дарвозасига жавобсиз уч тўп киритиб, турнир жадвалидаги мавқеини анча яхшилаб олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» - «Металлург» - 3:1, «Андижон» - «Кимёгар» - 2:1, «Самарқанд-Д» - «Турон» - 2:0, «Сўғдиёна» - «Зарафшон» - 2:1.

Қаршида бўлиб ўтган баҳсда майдон эгалари устунлиги яққол сезилиб турса-да, бу ҳисобда ғалаба яққол акс этмади — 2:1. Шунга қарамай, муҳим уч очкони қўлга киритган «Насаф» учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаб турган «Дўстлик» ва «Пахтакор»дан анча олдинлаб кетди.

«Сурхон» ва «Семурғ» ўртасидаги учрашув ангренликлар Термизга етиб бормаганликлари учун ўтказилмади. Бу ҳолат сабаблари атрофлича ўрганиб чиқилмоқда. Бинобарин, турнир жадвалида ёнма-ён бораётган командалар ўрнида алмашиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Навбатдаги тур 23 июнда бўлиб ўтади. Шу билан биринчи давра ўйинларига шартли равишда (чунки муайян сабабларга кўра бир қанча учрашувлар қолдирилган) якун ясалади.

17-турдан кейинги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	15	13	2	0	46-12	41
2. «Насаф»	16	12	2	2	36-14	38
3. «Дўстлик»	15	9	3	3	34-17	30
4. «Пахтакор»	13	10	0	3	30-13	30
5. «Академия»	17	7	6	4	32-19	27
6. «Навбаҳор»	16	9	0	7	28-24	27
7. «Самарқанд-Д»	16	8	1	7	29-26	25
8. «Қизилқум»	16	7	3	6	18-17	24
9. «Трактор»	17	7	3	7	27-27	24
10. «Бухоро»	15	7	1	7	27-31	22
11. «Зарафшон»	15	5	4	6	23-19	19
12. «Андижон»	16	6	1	9	31-31	19
13. «Сўғдиёна»	16	5	2	9	19-27	17
14. «Кимёгар»	16	4	3	9	15-26	15
15. «Металлург»	16	2	6	8	13-32	12
16. «Турон»	15	3	2	10	8-30	11
17. «Сурхон»	15	3	0	12	16-39	9
18. «Семурғ»	15	2	3	10	18-46	9

«НАВОИЙ ГУЛШАНИ»ДА КАТТА БАЙРАМ

Янгийўл шаҳридаги «Навоий гулшани» номли маданият ва истироҳат боғида тиббиёт ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун маданий тадбир ўтказилди. Унда Янгийўл шаҳар ҳокими муовини Холмат Тешабоев иштирок этиб, шаҳар марказий шифохонасида меҳнат қилаётган, кўп йиллик тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларига, меҳнатда ўрнак кўрсатган 100 дан ортиқ соҳа ходимларига шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотларини топширди. Шунингдек, Янгийўл шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Эркин Рихсибоев аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатаётган бир гуруҳ шифокор ва ҳамшираларга касаба уюшмаларининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғаларини тақдим этди.

Шу куни айниқса, болажонлар қувончи, шодон қулгулари боғга янада файз бағишлади. Маданият ва истироҳат боғидаги барча аттракционлар тиббиёт ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун бепул хизмат қилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоев, янгийўллик хушовоз хонандалар Нурмуҳаммад Мирзааҳмедов ва Ваҳобжон Охуновлар йиғилганларни ўз санъатлари билан мамнун этдилар.

М.ДАВРОНОВА.

ҲАЛҚ ИЖОДИ ҚАЙНАР БУЛОҚ

Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ашула ва рақс ансамбллари ва лапар ижрочиларининг республика танловини ўтказмоқда.

Мамлакатимизда қўшиқчиликни, жумладан, лапарчиликни ривожлантириш ҳамда ёшларда санъатнинг ана шу турига қизиқиш уйғотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тадбирнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан кўплаб ҳаваскорлик жамоалари қатнашди. 26 июн куни Фарғона шаҳрида бошланадиган якунловчи босқичда эса уларнинг энг яхшилари бўлган ўн тўртта жамоа ўз маҳоратини намойиш этади.

Тадбир 28 июн куни Фарғонадаги марказий ўйингоҳда ўтказиладиган «Сени шарафлаймиз, жон Ўзбекистон» деб номланувчи катта санъат байрами билан ниҳоясига етади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоевга ўғли

БАХТИЁРнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6